ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ—УМУМХАЛҚ ИШИ

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

# ИНТИЗОМДАН БОШЛАНАДИ

## ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР 50 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИДА

## ДАЛА ВА ФЕРМАЛАР ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЖРИБАСИДАН

**КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан изчил иш олиб бораётган, СССРнинг Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга астойдил бел боғлаган бу колхоз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида янги-янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритмоқдалар. Улар сентябрь ойи иккинчи ўн кунлигидаёқ давлатга деҳқончилик маҳсулотларини сотиш планларини муддатидан илгари бажарган эдилар. Эл дастурхонига 14 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 2800 тонна ўрнига 4122 тонна картошка етказиб берган миришкорлар айни кунларда юксак социалистик мажбурият ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.**

**Колхозда жамоат чорвачилигини ривожлантириш, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар 100 тонна ўрнига 120 тоннадан ортиқ гўшт сотилиб, бу соҳадаги план анча ошириб бажарилди. Сут соғиб олиш плани ҳам яқин кунлар ичида бажарилади. Колхоз чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун ғолиб деб топилди.**

**Хўжаликда бундай ютуқларга қандай қилиб эришилмоқда. Махсус мухбиримиз шу ҳақда ҳикоя қилади.**





**Суратларда: (чапдан) колхознинг донгдор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исоқова ва бу йил ўзига бириктилган 100 бош сигирнинг ҳар биридан 6 минг литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқда. Бузоқбоқарлар Назира Туропова ва Баҳодир Қувондиқовларнинг шарафли меҳнати туфайли фермада маҳсулдор соғин сигирлар сони йил сайин кўпайиб бораётир.**

## АГАР ҲАР КИМ ЎЗ ИШИНИ БИЛИБ ҚИЛСА

ТАЪБИР жоиз бўлса хўжаликни улкан ва жонли бир механизмга қиёслаш мумкин. Агар бу механизмнинг бирор винти бўшашса, ёки биронта детали ейилиб эскирса, ишдан чиқиб қолса, бундай машинанинг умри қисқаради. Самараси кам бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун эса машина энг аввало ишончли қўлларда бўлиши, унга ўз вақтида қараб, артиб, мойлаб туриш лозим.

Хўжаликни ҳам худди шундай. Биргина раис ёки партком секретарининг қўлидан ҳамма иш келавермайди. Уларга соҳанинг мутахассислари, агрономлар, инженерлар, экономистлар, энтимологлар, ўрта бўғин кадрлари, бригадирлар, ферма ходимлари астойдил кўмаклашишлари керак. Чунки уларнинг ҳар бирининг ўз иш кўлами, ўз вазифаси, бурчи бор. Агар улар ўзларига топширилган ишни аъло даражада бажарсалар, дадил айтиш мумкин, хўжаликнинг иши ҳам ҳамиша олға босаверади.

Бу мақсадга эришмоқ учун, албатта, ягона тартиб интизом бўлиши керак. Халқимиз ҳамма нарса интизомдан бошланади, деб бежиз айтмайди. Ҳар ким ўз соҳасини беш қўлдек билиши, ўз касбининг фидоийси, жонкуяри бўлиши керак. Ўрни келганда умумманфаатини кўзлаб талашиб-тортишиши, ўзининг ҳақли эканлигини исботлаши, ишонтира олиши керак. Ана шунда у касб-корини шарафлаган, улуғлаган бўлади, обрў-эътибор топади.

Ҳамма ютуқларнинг сабабчиси инсон ва унинг меҳнати. Шунинг учун ҳам меҳнатни қадрлаш керак. Инсонни у қилган меҳнатига яраша рағбатлантириш зарур. Ана шунда унинг ишга, касбига бўлган меҳри ортаверади. Раҳбар эл билан ишлайди. Шунинг учун ҳам бу ҳақда кўпроқ қайғуриши, эл ғамини ейиши, бунинг учун эса эл билан бирга юриши, бирга нафас олиши керак. Кўпчилик раҳбарга қарайди. Унинг қадамини санайди, ундан андоза олади. Буни ҳеч вақт унутмаслик керак. Кексалар тажрибаси — ҳаёт мактаби. Ҳар бир ишда уларнинг тажрибаси, саховати, маслаҳатига, далдасига суяниш керак. Биринчи коммунистлар, биринчи комсомоллар, меҳнат ветеранлари. Булар — бизнинг олтин фондларимиз. Улар билан энг қийин дамларда мулоқотда бўлиб туриш катта фойда келтиради.

Булар — жуда оддий, ҳамма учун тушунарли фалсафа. Нодир Боймуҳамедов ўз фаолиятида бунга доимий риоя қилади. Шу туфайли ҳам у районда энг қолоқ хўжалик ҳисобланган Навоий номли колхозни машъал хўжаликлар қаторига кўтара олди.

Ўтган йилнинг февраль ойида эса уни «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозига раис қилиб сайлашди.

Бу колхозга қарийб 40 йил коллективлаштириш ташаббускорларидан, бири, меҳнат ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Мирзаев раислик қилди. Унинг етакчилигида катта ишлар амалга оширилди. Нодир Боймуҳамедов устоз бошлаган ишни давом эттириши керак эди. Бу осон эмас. Буни у яхши тушунарди. Лекин давр талаби, халқ талаби, эл ишончи уни янги ишларга руҳлантирди.

У раис бўлиб сайланган куннинг эртасигаёқ ёнига активларни олиб, колхознинг экин майдонларини қаричма-қарич айланиб чиқди. Кўп ерлар гўнг солинмаганидан ориқлаб қолган эди. «Колхоздаги механизмлар бир соат бўш қолса, уларда маҳаллий ўғит ташиш керак», хаёлидан ўтказди у. Ветеранлар билан суҳбатлашди. Активлар билан ўтказилган йиғилишда очиқчасига гаплашиб олинди.

— Раҳбар экиннинг этагидан юриши керак,— деди у. — Шунда у экиннинг ҳолатини, сув ичган-ичмаганлиги, ўғитга тўйган-тўймаганлигини шундоққина билиб олади. Яна бир нарсани унутмайлик. Ишни уйқусида босиш лозим. Бунинг учун бизни ҳеч вақт ғафлат босмаслиги керак. Ҳар ким ўз ишини билиб қилсин. Колхоз правлениесининг қарори кўпчиликнинг фикри-мулоҳазаси асосида юзага келади. Шунинг учун ҳам уни бажариш ҳамма учун қонун бўлиши керак. Кимки, правлениенинг қарорини бажармас экан, бундайларга шафқат қилинмайди. Бундайларга орамизда ўрин бўлмайди Бўлар-бўлмасга йиғилиш ўтказмаймиз. Ҳар уч кунда бир марта тўпланишиб гаплашиб оламиз. Қолган ишлар бевосита даланинг, ферманинг ўзида амалга оширилади. У ёки бу масалани ҳал қилиш керак бўлиб қолса, дарҳол маслаҳатлашиб, бир фикрга келамиз.

Хўжаликка раҳбарликнинг изчил, конкрет самарали бўлиши мутахассисларнинг, активларнинг астойдил берилиб ишлашига боғлиқ. Раис эса уларнинг ишига туну кун бош-қош бўлиб туриши керак. Шу мақсадда гаражга, фермага, бош мутахассисларнинг машиналарига, ҳаммаси бўлиб 12 та жойга рация ўрнатилди. Хўжалик раҳбари истаган пайтда уларни рация орқали излаб топади, суҳбатлашади. Фикр-мулоҳазаларини эшитади, топшириқ беради. Ўз навбатида мутахассислар ҳам жойлардаги аҳволнинг қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида раисга вақти-вақти билан ҳисобот бериб турадилар.

## ДАЛА МЕНИНГ ДАРМОНИМ

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА энг муҳим нарса — ерни эгасизлантириб қўймасликдан иборатдир. Пудрат усулининг жорий этилиши бундай нуқсонга чек қўяди.

— Айни иш қизғин кунларда дала айланиб, одамларнинг ишини кузатдим,— дейди раис.— Қайси бригада пудрат усулида меҳнат қилаётган бўлса, ўша ерда ҳамма ишлар саранжом-саришта, ҳар бир нарса ҳисобда, интизом кучли эди. Одатдаги бригадаларда эса аҳвол анча бошқача. Дала ишларида, ҳосилни йиғиб-териб олишда бош-бошдоқлик сезилиб турарди. Ўтган йили колхоз сабзавот планини бажара олмаганлигининг асосий сабабларидан бири шу бўлса керак. 30 та бригададан атиги 8 тасида план бажарилган эди. Нега, далада ҳосил йўқмиди? Бор эди. Бироқ уни йиғиб-териб олиш қиш-қировли кунларгача чўзилиб кетди. Не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг талайгина қисми далада қолиб, нобуд бўлди.

Бу йил ана шунга йўл қўймаслик учун бригадалар составини қайта кўриб чиқдик. Аксарият бригадаларга ишнинг кўзини биладиган, тажрибакор, ўрта ва махсус олий маълумотли мутахассислар етакчилик қилаётган эдилар. Улар ишни бутунлай янгичасига ташкил қилишга сўз бердилар. 3 та бригада раҳбари ўзгартирилди. Ўқитувчи Аброр Анваров, оддий колхозчи Жалил Расулов, Баён Олтойбековалар янгидан бригадир қилиб тайинландилар. Кўпчилик бригада пудрати усулида ишлашга ўтказилди. Улар билан шартномалар туздик. Пландан ташқари олинадиган маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб, сотамиз, деб овора бўлмайсизлар, ўзимиз нақд пулга сотиб оламиз, деб келишдик. Қанча эртаки ва сифатли маҳсулот етиштирилса, шунча қиммат нархда сотиб олинишини айтдик. Натижа қувончли бўлди. Ернинг қадри ортди. Деҳқонларимиз экин майдонларини кузда 40—45 сантиметр чуқурликда ҳайдаб шудгор қилиб қўйдилар. Ҳар гектар ерга 50—60 тоннадан гўнг солинди. Пленка тагига эртаки экин экувчилар кўпайди. Колхоз бўйича пленка тагига экилган 80 гектар бодринг, карам ҳосили мўл бўлди. Бодрингни 20 майда, карамни эса 20 апрелда узиб шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилдик.

Деҳқонлар қанчалик яхши меҳнат қилсалар, самараси шунча яхши бўлишини сезиб ҳис қилар эдилар. Шунинг учун ҳам улар ҳар бир агротехник тадбирларни ўз маромида ва сифатли бажариш учун курашдилар. Энг муҳими далада пишиб етилган маҳсулотни ўз вақтида йиғиб-териб олиш мумкин бўлиб қолди. Бунинг аҳамияти катта эди. Ер ҳосилдан эрта бўшагач, дарҳол ҳайдалади, иккинчи экин экилади. Иккинчи экиндан сўнг учинчи экинга фурсат келади. Шу тариқа бир ердан бир йилнинг ўзида 2—3 марта ҳосил олиш имконияти вужудга келади.

Эрта баҳор эди. Оила пудрати асосида ишлайдиган Расул Муродов бошлиқ звено даласида бўлдик. Пленка тагига экилган картошка ҳосили кавлаб олинмоқда эди. Ҳосил чунонам бўлибдики, энг кичкинаси тухумдек. Шартнома бўйича бу звено ҳар гектаридан 13 тоннадан картошка топшириши керак эди. Амалда эса ҳосилдорлик 30 тоннага етди. Колхоз пландан ташқари топширилган 17 тоннадан картошканинг ҳар килограммига 30 тийиндан нақд пул тўлади. Ана ишга янгича муносабат, пудрат усулининг шарофати. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тажрибали деҳқон Турғун Қуролов бошлиқ бригада эртаки карамнинг ҳар гектаридан 40 тоннадан, картошканинг ҳар гектаридан 25 тоннадан, пиёздан 62 тоннадан хирмон кўтарди. Сабзавот ҳосилдорлиги 500 центнерданга тўғри келмоқда. Бу бригадада кечки экинлардан ҳам юқори ҳосил олинаётир. Бригада миришкорлари бу йил пландаги 690 тонна ўрнига 1300 тонна маҳсулот топширишга аҳд қилганлар. Бошқа бригадаларда бўлганидек, бу бригадаларда ҳам ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ривож топмоқда.

— Дала менинг дармоним, — дейди донгдор бригада бошлиғи Ихтибор Ирисбекова.— Шу ер, шу дала элни, шу қатори мени, оиламни тўйдираяпти, кийдираяпти. Обрў-эътибор, бахт ҳадя этяпти. Шу туфайли ҳам ҳар қарич ерни эъзозлаймиз, қадрлаймиз.

Дала айлангач, биз бригадирнинг сўзлари чин дилдан айтилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Экинлар гуркираб ўсаяпти. Ҳосил пешмапеш йиғиштириб олинаяпти. Колхознинг Т. Арслонова, Б. Омонбекова ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам коллектив пудрати ажойиб самаралар бераётганлигининг гувоҳи бўлдик.

## РАИС КУНДА ФЕРМАДА

ҚИСҚА фурсатда элнинг, кўпчиликнинг бениҳоя кучғайрати, таланти, ташаббуси, маҳорати, тажрибасига таяниб кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Лекин булар ҳали кам. Хўжалигимиз шундоққина шаҳарнинг биқинида жойлашган. Минглаб юзлаб кўзлар бизга тикилиб турипти. Биз уларнинг дастурхонига тобора кўпроқ сархил мева, сабзавот, ноз-неъматлар етказиб беришга бурчлимиз, деб ўйлайди раис. Айниқса, гўшт, сут етиштиришнинг салмоғини кўпайтиришимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар зиммамизга янги-янги вазифалар юклайди. СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун, айниқса, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш талаб этилади. Тўғри, бу соҳадаги режалар бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Лекин барибир кам, етарли эмас. Бугунги ютуқ, эртамиз учун марра бўлолмай қоляпти. Истиқболни кўзлашимиз керак. Бунинг учун эса ферма иши билан туну кун шуғулланиш талаб этилади. Кадрларимиздан-ку, кўнглимиз тўқ. Аммо ишониб топширилган ишлар қандай бажарилаётганлигини текшириб туриш шарт. Сут соғувчилар, молбоқарларнинг кайфияти қандай. Уларнинг дилида нима гаплар бор. Буни билиш зарур.

Бу ўй-хаёллар ҳеч вақт раисга тинчлик бермайди. Шунинг учун ҳам у ҳар куни қайси вақтда бўлишидан қатъий назар бир марта фермага бориб, у ердаги аҳволни ўз кўзи билан кўриб, одамлар билан учрашиб, суҳбатлашмаса кўнгли ўрнига тушмайди. Бугун ҳам у тушлик пайтида фермага кириб келди. Улар билан самимий ҳол-ҳавол сўрашди, биргалашиб тамадди қилди, чой ичди. Бизга қандай талаблар, топшириқлар, истаклар бор, деди. Сут соғувчилар ҳеч нарсадан камчиликлари йўқлигини айтишди. Автобус ҳар куни уйдан олиб келиб, олиб бориб қўйиб турибди. Ҳар пайшанба куни санитария куни, деб эълон қилинган. Шу куни докторлар, врачлар келишади. Сут соғувчиларни, молбоқарларни назоратдан ўтказишади. Бошқа шарт-шароитлар ҳам ёмон эмас. Кўчма магазин келиб турипти.

— Сизларнинг меҳнатларингиз қанчалик машаққатли эканлигини яхши биламиз,— деди раис,— ҳар қанча ғамхўрлик қилсак ҳам арзийди.

Сўнгра у ферма ходимларига «Чорвадорлар уйи» қурилиши қандай бораётганлиги ҳақида гапириб берди. Икки қаватли бу бинода чорвадорлар ва уларнинг фарзандлари бўш вақтларини кўнгилли ўтказиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган бўлади. Қурилишни Тошкент Давлат цирки коллективи ўз оталиғига олган. Ишни тезлаштиришга сўз беришди улар.

Раис фермадаги ишлардан хурсанд бўлиб, ўзича қувониб, фахрланарди. Ҳар қандай жойда ишнинг яхши йўлга қўйилиши, меҳнатнинг маҳсули, баракаси — ўша ерда ишловчи одамларнинг кайфиятига боғлиқ. Яхши кайфият эса — ҳалол меҳнатни ўз вақтида ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантириш, меҳр-оқибат кўрсатиш керак демакдир. Фермада ўзининг фидокорона меҳнати билан бойлик яратишни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшаётган сут соғувчилар кўп. Дилбар Раимова, Жамила Болтабоева... Булар ташаббускор ва донгдор сут соғувчи Мунаввар Исоқова, Волида Мусаевaларнинг тарбиясини олган ёш чорвадорлар. Улар устозлар изидан бормоқдалар.

Сут соғувчи меҳнатининг қадри тобора ортмоқда. Илгари ҳар 100 литр соғиб олинган сут учун соғувчига 2 сўм 30 тийиндан ҳақ тўланарди. Бу кам, деб ўйлади раис. Масалани кўпчиликнинг муҳокамасига ташлади. Ҳар ким ҳар хил фикр айтди. Айримлар 3 сўмга чиқарайлик дейишди.

Раис эса бошқача фикрда эди. У мавсумга қараб оширилган ҳақ тўлашни тавсия этди. Ўзларингизга маълум, деди у қиш даврида колхозчилар, молбоқарлар, хуллас, чорвадорларнинг иши анча қийинлашади. Шунинг учун ҳам бу мавсумда уларга рағбатлантирилган ҳақ тўлаш керак. Ҳар 100 литр сут учун қиш даврида 5 сўмдан, ёз даврида эса 4 сўмдан пул тўлаш керак. Раис ўзининг бу фикрини асослаб берди.

Фермадаги бошқа касб эгалари меҳнатига ҳам ана шу тартибда ҳақ тўланадиган бўлди. Бу яхши натижалар бермоқда. Қиш даврида соғин сигирлардан худди ёздагидек мўл-кўл сут соғиб олинди.

Фермада меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгича системаси жорий этилгач, ўз-ўзидан емхашакдан фойдаланишда ҳам қатъий тартиб-интизом ўрнатилди. Тежамкорлик кучайди. Сут соғувчилар ўзларига бириктилган сигирларни тўла рацион асосида боқиш учун кураша бошладилар. Агар рационда белгиланган озуқа турлари етишмаса ёки камайиб қолса, сут соғувчилар, молбоқарлар, раҳбарлар, ферма мудири, мутахассислардан қатъий талаб қила бошлайдилар. Уларнинг бу талабини тўла қондириш учун эса табиийки, ем-хашак тайёрловчилар, озуқа цехи меҳнатчилари масъулиятини ошириш, ҳар йили мўлжалдагидан анча кўп озуқа жамғариш лозим. Энг муҳими озуқанинг сифатига эътибор бериш керак. Силос бостиришда, сенаж тайёрлашда пала-партишликка, кўзбўямачиликка йўл қўйиш асло мумкин эмас. Яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Илгарилари бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўйилар эди. Сенаж, силос ва бошқа ем-хашак планлари бажарилар, ҳатто ортиғи билан бажарилар эди-ю, бироқ қиш чўзилиб кетса, жамғарилган озуқанинг етмай қолган кунлари ҳам бўлган.

Шунинг учун ҳам янги раис бу соҳада мутахассисларга қаттиқ талаб қўйди. Ўзи бу ишга бош-қош бўлди. Силос бостириш технологиясига қатъий риоя қилинмоқда. Баландлиги 7.5 метр, бўйи 54, эни 20 метрли катта бостирма қурилди. Бу ерга 600 тоннадан ортиқ хашак жамғариб қўйилди. Моли тўқнинг кўнгли тўқ, деб шуни айтадилар-да. Ҳозиргача ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўтган йилдагидан анча кўп бўлди. Илғор сут соғувчилар 5 минг литрлик марра учун курашмоқдалар. Колхоз чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб деб топилди. Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Ферма ходимлари бу юксак мукофотга яраша унумдорликни янада ошириш учун астойдил курашни бошлаб юбордилар.



**● Колхоз бош агрономи Иброҳим Файзиев рация орқали дала ишларининг бориши ҳақида марказга хабар бермоқда.**



**● Даладан йиғиштириб олинган помидор аввал механизмлар ёрдамида майдаланиб, томат ҳолига келтирилади, цистерналарга қуйилади, сўнгра заводга жўнатилади. Бунинг натижасида кўплаб миқдорда иқтисодий фойда кўрилмоқда. Фермада сут соғувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Махсус автобус уларни уйларидан фермага келтириб, олиб бориб қўяди. Моли тўқнинг кўнгли тўқ, дейдилар. Бу нақлга амал қилган колхоз чорвадорлари қишлов учун етиб ортадиган мўл-кўл хашак жамғардилар.**

**В. Портнов фотолари.**





## «ҚУЁШЛИ» ҚИШЛОҚ ЎЙЛАРИ

ФИДОКОРОНА меҳнатга яраша даромад ҳам кўпайиб бормоқда, рентабеллик ортмоқда. Агар 1982 йилда хўжалик бўйича 5 миллион 750 минг сўм соф даромад олинган бўлса, бу йил 7 миллионга етказиш мўлжалланмоқда. Ўтган йили бир киши кунига 5 сўм 37 тийиндан тақсимланган бўлса, бу йил 7 сўмдан кам бўлмайди.

— Бу мақсадга эришишнинг ўзи бўлмайди,— дейди раис.— Биз эришилган натижаларни пухта таҳлил этиб, ишимизга танқидий нуқтаи назардан қараймиз. Меҳнатни ташкил этиш усулини янада такомиллаштирамиз. Келгуси йилдан бошлаб деярли ҳамма бригадалар коллектив пудрати асосида ишлайдилар.

Одамлар тўғрисида, уларнинг маданий-маиший эҳтиёжини қондириш, турмуш фаровонлигини юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.

Дала шийпони — деҳқоннинг иккинчи уйи. Оммавий-сиёсий ишларнинг маркази. Лекин, очиғини айтиш керак, ҳозирги мавжуд шийпонларимизнинг кўпи эскича усулда қурилган. Биз барча дала шийпонларини типовой усулда қайта қурамиз. Техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, унинг умрини узайтириш учун зарур чоралар кўрилади. Автогараж, трактор парки усти ёпилади. Асосий йўлларга асфальт ётқизилади.

180 ўринли янги боғча келаси йили қуриб битказилади. Замонавий услубдаги қишлоқ касалхонаси қурилиши ҳам бошлаб юборилган. Газ кирмаган уй қолмайди. Колхоз правлениесининг янги биноси қад кўтаради. Янги типдаги турар-жойлар барпо этилади. Келаси йилдан бошлаб «Қуёшли» посёлкасини барпо этишга киришамиз. Бу режаларни амалга ошириш учун энг биринчи навбатда биз деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳисобига экинлар ҳосилдорлигини, фермалар маҳсулдорлигини янада оширишимиз керак.

— Колхоз хўжалиги олдида ҳал этилиши лозим бўлган яна қандай масалалар ва муаммолар бор?

Раис кулиб қўйди.

— Агар астойдил ҳаракат қилсак, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсак ечилмайдиган, ҳал қилинмайдиган муаммо бўлмайди,— дейди у.— Партия ва ҳукуматимиз биз учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Энг муҳими ана шу имкониятлардан фойдалана билишимиз керак. Бу бизнинг қўлимиздан келади.

Раис ҳақ гапни айтди. Келажакни кўзлаб иш қилиш, ташаббус, ғайрат ва шижоат кўрсатиш — бу совет кишиларига хос фазилатдир. Бундай фазилат бор жойда сўз билан иш бирлиги таъминланади, ютуқлар салмоғи, кўлами кенгаяверади.

**Н. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

